



ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонунлар лойиҳалари муҳокама қилинаётганда партия электорати манфаатлари ҳимояси, албатта, ҳисобга олиниши зарур. Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда кўриб чиқилган қонун лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича тузилган ЎзХДП фракциясининг ишчи гуруҳи таклифлар тайёрлашда ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Қонун лойиҳалари таҳлили давом этмоқда

Кеча ишчи гуруҳи ўз йиғилишида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини такомиллаштириш мақсадида тайёрланган таклифларни кўриб чиқиб, уларни янада меърига етказиш устида ишлади.

Эслаб ўтамиз, ЎзХДП фракцияси «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўллаб-қувватлаган эди. Чунки қонун лойиҳасида ижтимоий шерикликнинг асосий йўналишлари қаторида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, иш билан бандлигини таъминлаш, барқамол ва соғлом авлодни воюга етказиш, оналиқ ва болалиқни ҳимоя қилиш масалалари назарда тутилган. Бу партия дастури, электорат манфаатларига тўлиқ мос келади.

Фракция аъзолари мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий шерикликнинг аҳамияти катта эканини эътироф этмоқда. Айни пайтда, қонун лойиҳасида ижтимоий шерикликнинг ўзига хос барча хусусиятлари ва имкониятларини акс эттириш керак, деган фикрни илгартириш мумкин.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши, аввало, ижтимоий масалалар жойларнинг ўзиде давлат ва нодавлат ташкилотлар, фуқаролар ҳамкорлигида самарали ҳал этилишига ҳуқуқий шароит яратиши билан аҳамиятли, — дейди

ЎзХДП фракцияси аъзоси Назира Матякубова. — Ижтимоий шериклик асосида янги иш ўринлари яратмоқчи бўлган, соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини янада яхшилашни, умуман, турли ижтимоий фойдали тадбирларни ташкил этишни кўзлаган ташкилотлар барча имкониятга эга бўлиши лозим. Ижтимоий шериклик турли тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда аҳоли қатламларининг манфаатлари ҳисобга олинишига хизмат қилиши, шунингдек, муҳим дастурларни амалга оширишда давлат ва жамиятнинг ҳаракатларини бирлаштиришга кўмаклашиши керак. Қонунлар ва қарорлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда ижтимоий шерикликнинг аҳамияти муҳимлигини ҳам инobatга олмақ жоиз.

Ишчи гуруҳи қонун лойиҳаси юзасидан электорат манфаатларига қаратилган таклифларни пишиқ ва пухта ишлаб чиқиш мақсадида жойларда партия фаоллари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, олим ва мутахассислар иштирокида жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш зарур, деган хулосага келди.

Ушбу муҳокамалар чоғида билдирилган таклиф-мулоҳазалар фракциянинг умумий мажлисида кўриб чиқилди. Шу тарзда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш бўйича фракция таклифлари шакллантирилади ва масъул кўмиталарга берилади. (Ўз мухбиримиз)

ЎзХДП: БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Қуйи бўғин фаолиятини кучайтириш долзарб вазифа

— Қуйи бўғинда салоҳиятли, изланувчан, сиёсий-ҳуқуқий билими юқори етакчилар сафини кўпайтириш, уларнинг тажрибасини мунтазам ошириб бориш лозим.



— Ҳудудий партия кенгашлари ва депутатларнинг БПТ билан ишлашга муносабатини янги босқичга олиб чиқиш керак;

— Электорат манфаатига дахлдор ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганишда бошланғич партия ташкилотлари имкониятдан самарали фойдаланиш...

► Давоми 2-бетда.

ЎзХДП: «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

Она ва бола саломатлиги бош масала

ЎзХДП Марказий Кенгаши «ФАОЛ аёллар» қаноти ташаббуси билан партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Самарқанд вилоят партия кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган семинар ушбу мавзуга бағишланди.

Тадбирда «Соғлом бола йили» Давлат дастури аҳамиятини аҳоли ва электорат вакиллари орасида кенг тарғиб қилиш, унинг ижросини таъминлашда партия ташкилотлари ва гуруҳларнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳақида сўз юритилди.

— ЎзХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, соғлом болалар туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни тарбиялаш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудир**

Гулшан Асатова. — Жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши ва бу борда ишлаб чиқилган Давлат дастури ижроси мазкур йўналишдаги фаолиятимизни янада кучайтиришни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, партиямиз «Соғлом авлод — соғлом оилада камол топади» лойиҳаси доирасида амалий семинарлар ўтказиб келмоқда. Бу орқали хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий ҳамда тиббий маданиятини ошириш, оналар ва болалар, шунингдек, ёш оилалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида давлат томонидан белгиланган имтиёзлар ва улардан тўлақонли фойдаланиш тартиблари тўғрисида маълумотлар бериш кўзда тутилган.

► Давоми 2-бетда.

Сиёсий партия

Ўз олдиға кўйган мақсадларига эришиши учун, аввало, дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, электоратни ўйлантираётган масалаларни изчил ўрганиши, муаммолар ечимига жавоб излаши зарур. Бунинг учун, биринчи навбатда, бошланғич ташкилотлар фаолияти самардорлигини ошириш талаб этилади.

Маҳсулотлар ва хизматлар сифатини кафолатловчи қонунлар ҳаётга татбиқ этилмоқда

Экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида корхоналар раҳбарлари иштирокида семинар-тренинглари изчил йўлга қўйиш, маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш учун замонавий синов лабораторияларини яратиш, борларини модернизациялаш каби ишлар янада ривожлантирилса, қонунлар ижроси самарали таъминланади, деб ҳисоблайман.

2

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2014» ТАНЛОВИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Айни кунларда республика-мизда кўрик-танловнинг 1-босқичи бошланғич партия ташкилотларида ўтказилмоқда. ЎзХДП Наманган вилоят кенгашига кўрик-танловда иштирок этиш истагини билдириб, 300 нафардан ортиқ йигит-қиз мурожаат этди. Наманган шаҳар, Косонсой, Наманган, Поп туманларидаги 115 бошланғич ташкилотда ўтказилган танловларда энг ташаббускор, интилувчан ёшларнинг 29 нафари ўз ҳудудларидаги аниқ ижтимоий масалаларни қамраб олган лойиҳа билан қатнашди.

Ташаббускор ёшлар сафи кенгайиб бормоқда

Иштирокчилар танлов жараёнида лойиҳанинг молиявий асослари ҳамда уларни амалга ошириш ва ривожлантириш истиқболларини батафсил шарҳлаб берди. Лойиҳаларда асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни кенгайтириш орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, қишлоқлар ижтимоий инфратузилмасини шакллантириш каби устувор масалаларга эътибор қаратилди.

Шунингдек, иштирокчиларнинг сиёсий билими ва нотиклик қобилияти синовдан ўтказилди. Танлов натижаларига кўра, НамДУ талабаси Дилшод Абдувосиев, Наманган туманидаги 23-умумтаълим мактаби тарих фани ўқитувчиси Бахтиёр Холиқов, Наманган муҳандислик педагогика институти талабаси Асилбек Мирзаумидов ғолибликни қўлга киритиб, танловнинг кейинги босқичига йўлланма олди. Танлов ғолибларига диплом, турли номинациялар бўйича сертификат ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Мақсуджон ОЛИМОВ, «Истиқбол» ёшлар қаноти Наманган вилоят бўлими ҳузуридаги «Ёш сиёсатчилар клуби» координатори.

БУГУННИНГ ГАПИ

Апрель ойида ёққан қор



3

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Депутатлик ва парламент назорати

янада изчил олиб борилиши зарур



www.uzbekistonovozi.uz



Фахриддин ЮЛДАШЕВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши ижтимоий масалаларни мониторинг қилиш сектори мудир:

— Электорат билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ўрганишда, аввало, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим. Электорат вакилларида тушган мурожаатга аниқ ечим топиш орқалигина, уларнинг партияга ишончини ошираемиз.

Айниқса, Жамоатчилик қабулхоналарига келаётган одамлар муаммоларини мониторинг қилиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Ана шу ўрганиш натижалари орқали ҳудудлардаги камчиликлар аниқланади. Партия гуруҳи уларни ҳал этиш бўйича доимий комиссия ва сессия муҳокамаларига масала киритиши мумкин. Бу эса электорат манфаатларига доир масалани барча ҳудудларда комплекс ҳал этиш имконини беради.

Бир саволга икки жавоб

Демократик жараёнлар чуқурлашиб, сиёсий партиянинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамияти тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда электорат билан ишлашнинг замонавий усуллари қандай бўлиши керак?

Маъмура ЭРҒАШЕВА,

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудир:

— Фикримча, электорат билан нафақат бевосита мулоқот қилиш, балки, замонавий технологиялар асосида масофадан туриб ишлаш ҳам яхши натижа беради. Бу борда интернет орқали мулоқот жуда қўл келади. Бунинг учун одамларни тўплаш, тадбир ташкил этиш шарт эмас. Қолаверса, ҳам вақт, ҳам маблағ тежалани. Бунинг ҳақон тажрибаси мисолида ҳам кўраемиз.

Фуқаролар билан интернет орқали мулоқот ўрнатилиши уларнинг муаммоларини ўрганиш самардорлигини янада оширади.



Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари, партия ташкилотларининг 2013 йилги фаолияти таҳлили натижалари нимани кўрсатмоқда?

Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сониде ўқийсиз.

Махсулотлар ва хизматлар сифатини кафолатловчи қонунлар ҳаётга татбиқ этилмоқда

қонунлар ҳаётга татбиқ этилмоқда



Анвар БОЙҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Санаят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси.

СЎЗ — ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Бугун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган махсулотлар жаҳон бозорига рақобатга бардош-ли, харидорнинг бўлиши, юртимиздаги хомашёдан тайёрланган экспортбон махсулотлар турларини кўпайтириш долзарб масала ҳисобланади. Бунинг учун ишлаб чиқарилаётган махсулотлар халқаро миқёсда таъминланган бўлиб, сифат кафолати қолида ва стандартларга мос келиши керак.

Мустақиллик йилларида бу борадаги ишларнинг ҳуқуқий асосини яратиш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳуқуқий меъёрларга мослигини таъминлаш мақсадида муҳим ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги, «Махсулотлар ва хизматларнинг сертификатлаш тўғрисида»ги ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

2009 йил қабул қилинган «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун ишлаб чиқариш жараёнларида, махсулотларга, иш ва хизматларга қўйиладиган талабларни ўрнатилган қўллашда янгича ёндашувни белгилаб берди. Мазкур қонун фуқароларнинг соғлиги ва ҳаёт хавфсизлиги ҳимояси, атроф-муҳит муҳофазаси, давлатнинг

мудофаа ва миллий хавфсизлигини таъминлаш механизминини яратишга йўналтирилган. Вазирлар Маҳкамасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунни амалга оширишнинг давом эттириш чора-тадбирлари ҳақидаги қарори билан муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 2010-2013 йиллар учун техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури тасдиқланди. Барча тегишли вазирлик ва идоралар қўшида Техник регламентларни ишлаб чиқиш бўйича эксперт кенгашлари ташкил этилди.

Умуман, Қонун ижросини таъминлаш мақсадида қилинган ишлар махсулот ва хизматларга мажбурий талабларни белгиловчи ҳужжат — Техник регламент халқаро амалиётини жорий этишга замин яратди.

Бугунги кунга келиб, 2 умумий (автотранспорт воситалари конструкцияси ҳамда темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисида) ҳамда 4 махсус (госпол смоласи, ҳарбий хизматчилар учун устки кийим ва оёқ кийим хавфсизлиги, шунингдек, очик калитлар инфратузилмасига талаблар тўғрисида) техник регламентлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди.

Ҳозирда 6 техник регламент лойиҳалари устида ишланмоқда. Бундан ташқари, «2014-2018 йилларда Техник регламентларни ишлаб чиқиш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарор лойиҳаси тайёрланди. Унда 5 йил давомида 32 умумий ва 4 махсус техник регламентларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

2013 йил 4 октябрда қабул қилинган ва жорий йилнинг 6 апрелидан кўчга кўрилган «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонун «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг мантисий давоми ҳисобланади. Мазкур ҳужжат мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги халқаро талаблар билан сертификатлаштириш жараёнларининг уйғунлигини таъминлайди.

Республикамизда мувофиқликни баҳолаш ишларини амалга оширувчи, махсулот ва хизматларнинг сифати ҳамда хавфсизлигини баҳоловчи 165 сертификатлаштириш идораси, 391 синов лабораторияси, 139 қисла ва калибрлаш лабораторияси фаолият юритмоқда.

Ҳозирда «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан Миллий аккредитация органи тўғрисидаги, Мувофиқликни баҳолаш органлари ва метрологик хизматларни аккредитациядан ва инспекция назорати

тини ўтказиш тартиби тўғрисидаги ҳамда бошқа қонун ҳужжатларини қабул қилиш чоралари кўриляпти.

Махсулот ва хизматларнинг сифати ошиши, ички бозорда ўзимизда ишлаб чиқарилган махсулотлар кўпайиши, инсон соғлиги кафолатларининг мустаҳкамлаши, истеъмолчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилиниши партиямиз дастурий мақсадлари амалга ошишида муҳим ўрин тутади. «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонунлар

Техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш тизимини етук кадрлар билан таъминлаш масаласи диққат марказида туриши, айниқса, партиямиз бунга алоҳида эътибор қаратиши керак.

ижроси изчил йўлга қўйилиши партиямиз электроти манфаатлари ҳимоясида принципаил аҳамиятга эга.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш тизимини етук кадрлар билан таъминлаш масаласи диққат марказида туриши, айниқса, партиямиз бунга алоҳида эътибор қаратиши керак. Яъни, соҳа учун мутахассислар тайёрлаш борасида таълим муассасалари ва мутасадди вазирлик, идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш, ишлаб чиқариш амалиётларини

корхоналарда мунтазам ташкил этиш лозим.

«Ўзстандарт» агентлиги ва унинг тизимидagi ташкилотлар касб-хунар коллежаларининг ўқув хоналарини намунавий ўлчов воситалари, синов асбоблари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш бўйича ҳомийлик ёрдамларини кенгайтирса, ҳар томонлама фойдали бўларди.

Қонунлар ҳаётга татбиқ этилишида тўсиқ бўлаётган айрим масалалар ечими устида ўйлаб кўриш зарур. Масалан, соҳа мутахассислари билимини ошириш учун ўқув дастурларини такомиллаштириш талаб этилади. Экспортбон махсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида корхоналар раҳбарлари иштирокда семинар-тренингларни изчил йўлга қўйиш, махсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш учун замонавий синов лабораторияларини ташкил этиш, борларини модернизациялаш каби ишлар янада ривожлантирилса, қонунлар ижроси самарали таъминланади, деб ҳисоблайман.

Яна бир масала умумий техник регламентларни ишлаб чиқиш билан боғлиқдир.

«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасида умумий техник регламентларни ишлаб чиқишни молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Бу масала охиригача ижобий ҳал этилиши лозим. Шунинг учун мутасадди вазирлик умумий техник регламентларни ишлаб чиқишни молиялаштириш тартибини белгилаши керак. Бу умумий техник регламентларнинг ўз вақтида ишлаб чиқишига асос бўлади.

ЎЗХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

Она ва бола саломатлиги бош масала

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белги-ланган масалалар бево-сита партиямиз дастурий мақсадларига ҳамоҳанг-дир, — деди **ЎЗХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Камолбой Исобеков**. — Шундан келиб чиқиб, хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қи-лиш, уларнинг рўзгор юмушларини енгилашти-риш борасида бир қатор ишларни амалга ошира-ямиз.

Семинарда Олий Маж-лис Қонунчилик палата-сидаги ЎЗХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев, фракция аъзолари Фах-риддин Ражабов, Мажид-хон Усмоновлар «Соғлом бола йили» Давлат дас-тури асосида ишлаб чи-қилиши кўзда тутилган қонунлар лойиҳалари ҳа-қида маълумот беришди.

Жумладан, «Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши-га салбий таъсир кўрса-тувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республика-сининг «Йод танқислиги касалликларни профилакти-каси тўғрисида»ги

Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, янги тах-рирдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асо-ла тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар лойиҳа-лари партиямиз элек-торати учун муҳим аҳа-миятга эга эканлиги таъ-кидланди. Шу боис, ай-ниқса, «Фаол аёллар» қаноти, партия етакчилари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари маскур қо-нунлар лойиҳалари муҳо-камасида фракция орка-ли фаол иштирок этиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Семинар давомида ин-терфалол машғулотлар, мунозаралар бўлиб ўтди. Шунингдек, «Хотин-қиз-ларнинг ҳуқуқий, тиббий маданиятини ошириш ой-лиги» доирасида ўткази-лаётган тадбирлар таҳлил этилди. «Аёллар бандли-ги — обод турмуш гаро-ви» ва «Соғлом бола — соғлом оилада камол то-пади» лойиҳалари тақди-моти ташкил этилиб, уларни юқори савияда ўтказишда қанот олдида турган вазифалар тўғри-сида тушунтириш ва тав-сиялар берилди.

► Давоми. Боши 1-бетда.

Ўз муҳбиримиз

Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни 15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2013 йил бюджети ижроси ва 2014 йил бюджети асосий кўрсаткичлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясига Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуни 7-моддасига асосан 2013 йилда давлат бюджетидан 4 986 213,0 минг сўм миқдорда маблағ ажратилди.

2013 йилда партиянинг бюджетдан ташқари тушумлари, жами 4 243 435,0 минг сўмни ташкил этди. Шундан, аъзолик бадаллари — 2 952 704,6 минг сўм, тadbirkorлик фаолияти даромадлари — 1 270 318,4 минг сўм, ҳомийлик тушумлари — 4 750,0 минг сўм, бошқа тушумлар — 15 662,0 минг сўм.

Партиянинг 2013 йил 27 март куни бўлиб ўтган навбатдаги VII пленумида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромад ва харажатлар сметаси тасдиқланган.

Партиянинг 2013 йилдаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сарф-харажатлари жами 9 136 277,1 минг сўмни ташкил этди.

Шу жумладан, ижро этувчи аппаратнинг жорий харажатлари — 7 657 415,7 минг сўм;

пленумлар, давра суҳбатлари ва йиғилишлар ўтказиш, партия фаолларини ўқитиш, семинарлар, тренинглар ташкил этиш харажатлари — 145 636,0 минг сўм;

партия мол-мулкни сақлаш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал ва эксплуатация харажатлари — 480 257,0 минг сўм;

тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш харажатлари — 114 900,0 минг сўм;

бошқа турли харажатлар — 738 068,4 минг сўм.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясига 2014 йил учун давлат бюджетидан 6 307 259,0 минг сўм маблағ ажратилди.

Шунингдек, 2014 йил давомида партиянинг ҳисоб рақамларига 3 141 986,2 минг сўм аъзолик бадаллари, 1 597 187,8 минг сўм тadbirkorлик фаолиятидан тушумлар, 7 855,0 минг сўм бошқа тушумлар, жами 4 747 029,0 минг сўм маблағ келиб тушиши кўзда тутилмоқда.

2014 йилга ажратилган давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағларнинг сарф этилиши куйидагича режалаштирилди:

ижро этувчи аппарат ходимлари учун жорий харажатлар — 8 543 645,3 минг сўм;

пленумлар, давра суҳбатлари ва йиғилишлар, партия фаолларини ўқитиш, семинарлар, тренинглар ташкил этиш харажатлари — 188 476,5 минг сўм;

кўргазмалар тарғибот материалларини нашр этиш ва тарқатиш харажатлари — 81 333,0 минг сўм;

партия мол-мулкни сақлаш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал ва эксплуатация харажатлари — 449 858,1 минг сўм;

бошқа турли харажатлар — 1 639 986,9 минг сўм.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромад ва харажатлари сметаси 2014 йил 26 март куни партия Марказий Кенгашининг навбатдаги IX пленумида тасдиқланди.

Куйи бўғин фаолиятини кучайтириш долзарб вазифа

ЎЗХДП: БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

ЎЗХДП Ташкент шаҳар кенгаши Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти шаҳар ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда ўтказган семинарда билдирилган фикр-мулоҳазалар орасида асосли таклифлар, ҳаётий мисол ва таҳлиллар кўп бўлди.

Бугун сиёсий партиялар олдига жиддий ва масъулиятли вазифалар қўйиладиган бир шароитда бошланғич ташкилотлар фаолигини ошириш зарурлиги таъкидланди. Бу борада таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Маргарита АХМЕДБЕКОВА, ЎЗХДП Ташкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари:

— Ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатларнинг қуйи бўғинга муносабатини янгиланган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Аҳоли орасига чуқур кириб бориш, ижтимоий масалалар юзасидан ҳаётий таклифлар тайёрлашда бу муҳим аҳамиятга эга.

Бугун шаҳар партия кенгашига 1300дан ортиқ бошланғич ташкилот бирлашган. Олмазор, Юнусобод ва Сергели туман партия кенгашлари бошланғич ташкилотлари, партия аъзолари, электротар билан фаол ишлаш борасида намуна кўрсатиб келаётир.

БПТ фаолиятини янада кучайтириш учун юқори партия кенгашлари бошланғич ташкилотлар фаолиятини доим тақдил қилиб, уларга жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, тавсиялар бериб бориши лозим.



Фаруқ АЛИЕВ олган суратлар.

Рустам САИДОВ, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Ташкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси раҳбари ўринбосари:

— Бугун жамиятимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, демократик жараёнларни чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришга қаратилган ислохотлар зиммасизга катта вазифалар қўймоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари орқали Конституциямизга киритилаётган ўзгаришлар кўшимчалар демократик ислохотлар жараёнида сиёсий партиялар иш-тарикини янада фаоллаштириши тақозо этади. Жамият ҳаётида партия таъсир кучига эга бўлиши учун, аввало, бошланғич ташкилотлар ишини талар даражасида ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайман. Куйи бўғин фаолигини ошириш ор-

қали партия ўз электроти муаммоларини чуқур ўрганиш имкониятига эга бўлади, аҳоли ўртасида партия гоялари тарғиботини кучайтиради.

Вилоят ХУДОЙБЕРДИЕВА, Чилчонзор тумани, «Беш-ёғоч» маҳалласидаги ҳудудий партия ташкилоти етакчиси:

— Маълумки, бошланғич ташкилотлар фаолиятини устувор вазифалардан бири — аъзолар сиёсий-ҳуқуқий билиминини ошириш, электротарнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини таъминлай-диган таклифларни ишлаб чи-қиб, партия маҳаллий кенгаш-ларига киритишдан иборат. Ма-ҳалламизда 50 дан ортиқ ЎЗХДП аъзоси бор. Сиёсий-ўқувларда эркин мулоқот, учрашувларни кўпроқ ўтказиш, аъзоларнинг фикрларини тинглаш ҳамда му-ҳокама этишга кенг ўрин бера-ямиз. Энг муҳими, бу тадбир-лар партиямиз аъзолари ва электротар вакилларида исло-хотлар тақдирини дахлдорлик

туйғусини мустаҳкамлашга хиз-мат қилмоқда.

Гап бошланғич ташкилотлар фаолигини ошириш масаласи-да кетганда бир таклиф айт-моқчиман. Бошланғич партия ташкилотларини ташаббускор-ликка ундаш билан чекланмай, уларни қўллаб-қувватлаш, фа-оллик кўрсатишдан манфаат-дорлигини ошириш керак.Шун-да куйи бўғин ўз-ўзидан кучая-ди.

Семинарда яна қўллаб фикр-лар билдирилди, таклифлар ай-тилди. Таъкидландики, бошлан-ғич ташкилотларни фаоллашти-риш, уларнинг масъулиятини ошириш учун ижтимоий-иқтисо-дий соҳалардаги долзарб маса-лалар бўйича тадбирларни кўпроқ куйи бўғинда ўтказиш ло-зим бўлади. Ҳаёт синовидадан ўтган бу тажрибани барча бош-ланғич ташкилотларда кенг ом-маллаштириш керак, деб ўйлай-ман.

Лазиза ШЕРОВА



► Давоми. Боши 1-бетда.

Апрель ойида ёққан қор

БУГУНИНГ ГАПИ

Бу йилги баҳор кеч келди. Апрельнинг биринчи ўн кунлиги бошланган бўлса-да кунлар ҳали тўла исиб кетмади. Кунни кеча ёққан қор ҳам ҳар доим кузатилавермайди. Шу боис кам учрайдиган бу ҳолат ва яқин кунлар ичида қутилаётган об-ҳаво кўпчилигини қизиқтириши табиий.

Ушбу саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш хизмати бошлиғи Шерзод МУХТАРОВга мурожаат қилдик.

— 7 апрель кунни Қозоғистоннинг Астана ва Чимкент ҳудуди орқали совуқ Сибир ҳавоси кириб келиши ҳисоби-га пойтахтимизда эрталаб соат 6 дан 10 гача ёнғиннинг қорга айланиши кузатилди. Тошкент вилоятининг айрим туманлари ва республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳам шундай ҳолат такрорланди. Ҳарорат 23-28 даражадан 8-13 даражага тушиб кетди. Шунга ўхшаш ҳолатлар илгари ҳам учраган. Масалан, 2011 йилнинг 3 апрели, 2005 йилнинг 5 ва 6 апрелида ҳам

пойтахтимизда қор ёққан. Тошкентда энг кеч муддатдаги қор 1989 йил 30 апрелда ёққан. Дарҳақиқат, кўпчилик совуқ оқим натижасида ҳарорат яна тушиб кетмасикин, экин-текинларга, мевали дарахларга зиён етмасмикин, деб таъминлаш наётгани табиий. Хаво-тирга ўрин йўқ. Кейинги икки кун ичида, яъни 8 ва 9 апрель кунлари республиканинг барча ҳудудларида ёнғингарчилик



Апрель ойининг қолган вақти ҳар доимги об-ҳаво шароитига тўғри келади ва юртдошларимизни ўзининг юмшоқ ва илиқ ҳавоси билан хушнуд этади.

кутилмайди ва ҳарорат жадал кўтарилади. Фақат апрель ойининг иккинчи ўн кунлиги боши — 11-

12 апрель кунлари республикамиз ҳудудларида ёнғин ёғади, кундузи ҳарорат 10-12 даражагача пасаяди. Кейинги кунларда ёнғингарчилик кузатилмайди ва об-ҳаво ҳарорати аста-секин кўтарилади. Апрель ойининг қолган вақти ҳар доимги об-ҳаво шароитига тўғри келади ва юртдошларимизни ўзининг юмшоқ ва илиқ ҳавоси билан хушнуд қилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ ёзиб олди.

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИ КУНИ

Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи музейида Амир Темури ва теурийлар тарихини ўрганишга бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

Темурийлар тарихи тадқиқи

Халқаро Амир Темури жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими ва Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда тарихчи олимлар, ёш тадқиқотчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Тадбирда халқаро Амир Темури жамғармаси раиси Нозим Ҳабибуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида Амир Темури ва теурийлар даври тарихини ўрганиш борасида олиб борилган ишлар, бу жараёнда аниқланган қимматли манбалар, уларнинг аҳамияти ҳақида сўз юрди.

— Темурийлар даврига оид муҳим ва қимматли манбалардан бири бу араб муаррихи Аҳмад ибн Арабшоҳнинг 1436-1437 йилларда ёзилган «Темури тарихи ажойиботлари» асаридир, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов. — Ушбу асарда бошқа манбалардан фарқли равишда Соҳибқироннинг сурати ва сийрати жуда чиройли ва аниқ тасвирланган. Унда Амир Темурининг хизматлари, бунёдкорлик ишлари, олимлар фузалар билан суҳбати ҳақида гоёт қимматли маълумотлар келтирилган. Бугунги кунда ушбу асарни янада чуқурроқ ўрганиш ва бошқа манбалар билан солиштириш ҳолда тадқиқ қилиш, олимларимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Конференцияда теурийлар даврида амалда оширилган бунёдкорлик ишлари, илм-фан, маданият ва санъат ривожига қаратилган эътибор ҳусусида олим ва тадқиқотчиларнинг маърузалари тингланди.

Ҳ.ҲАСАНОВ, ЎА мухбири.



Дунё

4 ойда 70 баравар катталашган



Маълумки, ўтган йилнинг нояб-рида Тинч океанининг Японияга яқин ҳудудида, аниқроғи, Огасавара архипелагида вулқон отила бошлагани ва натижада океанда янги митти орол пайдо бўлгани. Ушанда оролнинг ҳажми юзга икки юз метрни ташкил этганди.

Орадан 4 ой ўтгач, мутахассислар вертолёт ёрдамида уни кузатдилар ва ўнлаш ишларини олиб бордилар. Маълум бўлишича, у 70 баравар катталашди — 1150 ва 850 метрни ташкил этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, орол шу атрофдаги «эски» орол — Нисинисомо ороли (у ҳам қанонларидан вулқон отилишидан пайдо бўлган) билан тутшиб кетган. Ва умумий ҳажми 70 гектарга етган.

«Новости» ахборот агентлиги ҳабарига қайд этилишича, вулқон ҳаракати эса хануз давом этмоқда. Демак, орол яна кенгайишда давом этади.

Аслида океан тубида отилган вулқонлар натижасида пайдо бўлган оролар маълум вақтдан сўнг яна океан остига чўкиб кетади. Бу орол эса ҳали фарқ бўлганича йўқ.

Ҳавонинг ифлосланиши

7 миллиондан зиёд кишининг умрига зомин бўлди



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг яқинда эълон қилинган маълумотларида қайд этилишича, 2012 йили айнан ҳаво ифлосланиши даражасининг меъёрдан ортиб кетиши дунё бўйича 7 миллиондан зиёд кишининг умрига зомин бўлган. Бу ўша йили дунё мамлакатларида ҳаётдан кўз юган ҳар саккизинчи кишининг бири айнан ҳавонинг нотозалиғи боис касалликка чалиниб, ҳаёт билан видолашганини англатади.

Тахлиллар шунини кўрсатмоқдаки, дейилади маърузада, 3,3 миллион киши ички, яъни иншоотлар ичидаги ҳавонинг нотозалиғидан, 2,6 миллион киши эса ташқи, яъни атмосфера ҳавосининг бузилиши оқибатида турли касалликларга чалиниб нобуд бўлган. Бу рақамлар 2008 йили 1,9 миллионга, 1,3 миллионни ташкил қилган эди.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши даражаси юқорилиғи бўйича Хиндистон билан Хитой етакчи ўринда бормоқда. Айнқиса, Хитой пойтахти Пекинда бу муаммо жорий йилнинг ўзида бир неча марта такрорланган. Яъни, январь ойида Пекин ҳавосидаги зарарли зарралар концентрацияси айрим пайларда меъёрдан 25 бараварга ортиб кетгани мутахассислар томонидан тасдиқланган. 2013 йили Хитой ҳукумати айнан ҳавонинг ифлосланишига қарши чора-тадбирлар учун 300 миллиард долларга яқин маблағ сарфлаган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти оғохлантиришича, ҳавонинг нотозалиғи турли хасталикларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Айнқиса, юрак-қон-томир ва ўпка касалликларига чалиниш кўп учрайди.

Маърузада атмосфера ҳавосини ифлосланттирувчи асосий манба сифатида автотранспорт воситаларининг кўпайиши, санъат корхоналари ва ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари, кўмир ҳисобига ишловчи иссиқлик электр станциялари санаб ўтилган. Яна шу нарса таъкидланганки, ҳаво ифлосланиши даражасининг арзimasган бир неча фоизга камайиши ҳам миллионлаб кишилар умрини узайтиришга заман яратлади.

Коллеж — корхона ҳамкорлиги

ёшларни муқим иш билан таъминлашга хизмат қилмоқда

ЎзХДП БОШ МАҚСАДИ: ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш давлат аҳамиятига молик масала эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу борада Навоий вилоятида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Қувонарлиси, кўпчилик ёшлар йирик санъат ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилиш имкониятига эга бўлмоқда.



(ЎЗА) олган сурат.

— Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи маҳаллий кенгашлардаги ЎзХДП гуруҳлари томонидан доимий назоратга олинган, — дейди халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Фазлиддин Холмуродов. — Яқинда «Навоийазот» ОАЖда касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш режаси тасдиқланди. Режага кўра, Навоий техника-иқтисодиёт ва Навоий индустриал-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликни яхшилаш, ишлаб чиқариш амалиёти даврида уларга малакали мутахассисларни бириктириш, ижтимоий ҳимоя қилиш каби қатор тадбирлар белгиланган.

Шунингдек, уч томонлама тузиладиган шартномага асосан корхона етакчи мутахассисларининг педагоглар, ота-оналар ва ўқувчилар билан уршувларини ўтказиб бориш, аълоли ўқувчиларни рағбатлантириш, дипломолди ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, цех ва ишлаб чиқаришда педагог ҳамда таъ-

лим усталари малакасини ошириш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳафтада бир марта кадрлар тайёрлаш бўлимида шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича масъул шахслар иштирокидаги йиғилишлар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, корхона-коллеж ҳамкорлигида ўқув-семинарлари ҳам ташкил этилаётти. Ҳозиргача 6 ўқув ишлаб чиқариш устахонаси таъмирланиб, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, ишлаб чиқариш жараёнига мўлжалланган кўрғазмали қуроллар ва ускуналарни бутлашга доир ишлар амалга оширилди.

Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида Навоий индустриал-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежидан 510 нафар, Навоий техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежидан 1126 нафар битирувчи билан уч томонлама шартнома имзоланди. Корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган ҳар бир ўқувчи иш ҳақининг 30 фоизи миқдоридан ойлук маош белгиланган.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МАҲСУЛОТ ЎЗИМИЗНИКИ — ЎЗБЕКISTONНИКИ!

Самарқанддаги «Стеклопластик» масъулияти чекланган жамиятида 50 турдан зиёд спорт жиҳозлари ишлаб чиқарилади. Буюртмалар, асосан, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисоби-га тўғри келади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда

Маҳаллийлаштириш дастури асосида барпо этилган ушбу корхонада тиббиёт муассасалари учун мўлжалланган мебель ва бошқа ускуналар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили 2 миллиард сўмлик маҳсулот Самарқанд вилоятидаги 6 та тиббиёт бирылашмасига етказиб берилди. Бундан таш-

қари, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги кўплаб тиббиёт муассасалари ҳам корхонанинг доимий мижозларидан ҳисобланади. Ўтган йили корхона цехлари-га бешта замонавий дастгоҳ ўрнатилиши натижасида, нафақат маҳсулот ишлаб чиқ-

риш ҳажми ошди, армрестлинг ва теннис столларини ўта аниқликда ўлчаш имкони яратилди. Шунингдек, спорт анжуманларини никель ва хром билан қоплайдиган галваника цехи ҳам ишга туширилди.

Шу ўринда яна бир гап. Илгари оғир беморлар учун мўлжаллаб ишлаб чиқарилаётган махсус каравотларнинг бутловчи қисмлари чет давлатлардан валюта ҳисобига келтирилган эди. Хориждан янги ускуна сотиб олинган, бу муаммо ҳам ўз ечимини топди.

Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми янада кенгайди, хусусан, корхонада болалар майдончаларига жамланмалар ҳамда стадионлар учун икки турдаги ўриндиқ, «MAN» ва «Sino» заводлари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, яна 8 лойиҳани рўёбга чиқариш назарда тутилган. Буларнинг барчаси, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида қайд этилганидек, фарзандларимизни соғлом ва баркамол бўлиб вояга етказишдек эзгу мақсадларга қаратилганини айнан аҳамиятлидир.

Абдували ХУДОЁЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Норин — Ҳаққулобод» РЕКЛАМА ирригация тизими бошқармаси

қуйидаги иншоотга танлов савдоси эълон қилади:

Наманган вилояти, Норин тумани Ҳаққулобод шаҳри ҳудудида «Катта Улмас» каналининг ПК100+13 дан ПК104+45 гача бўлган қисмини жорий таъмирлаш. Буюртмачининг бошланғич қиймати: ҚҚС билан 223 118 180 сўм, ҚҚСсиз 185 931 817 сўм. Буюртмачи белгиланган ишларни тугатиш муддати — 90 кун. Буюртмачи: Учқўрғон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уйда жойлашган «Норин — Ҳаққулобод» ирригация тизими бошқармаси. Тел: 46-21-089.

Лойиҳани молиялаштириш «Норин — Ҳаққулобод» ирригация тизими бошқармаси ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади. ДИҚАТ! 500 миллион сўмга-ча қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабдор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо

предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридан айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларга, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хориж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий талабдорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг тижорат тақлифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган

товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Наманган вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй, тел/факс (8-369) 227-94-30, 227-91-47 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 100 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соати.

Тақлифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22 - уй.

Инсон саломатлиги йўлида

2014 йил — соғлом бола йили

Нуқсда фармацевтика соҳасида иш олиб бораётган хўжалик юртуви субъектлар фаолиятини ривожлантириш, аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда божхона, солиқ, ички ишлар идоралари ходимлари, дорихоналар раҳбарлари иштирок этди. Семинарда Президентини

миз раҳнамолигида соҳани замон талаблари асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Мамлакатимизда хусусий дорихоналар фаолияти йўлга қўйилган. Бугунги кунда юртимизда бир юз қирққа яқин корхона томонидан 1 минг 600га яқин

турдаги дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Кишлоқ врачлик пунктлари ҳузуридаги дорихоналар фаолиятини ривожлантириш, уларга берилаётган лицензиялар, сотилаётган дори воситаларининг сифатини янада яхшилашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги дорихоналар фаолиятида учраётган айрим камчилик ва нуқсонлар, уларни бартараф этиш чоралари муҳокама қилинди.

А.ОРТИҚБОВ, ЎА мухбири.



2014 йил — соғлом бола йили

Юртимизда келажакимиз ворислари бўлмиш болажонларни бой маънавий меросимиздан баҳраманд этиш, уларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Фарғона шаҳридаги ал-Фарғоний хибонининг янгидан кенгайтирилган қисмида кўғирчоқ театри биносининг қуриб битказилгани ҳам болаларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Фарғона вилоятида уч миллионга яқин аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг қарийб ярми мактабгача таълим муассасалари ва мактаб ёшидаги ўғил-қизлардир. Навро'з тантаналари нишонланаётган шу кунларда кичкинтойларнинг қувончига қувонч қўшилди. Вилоят болалар кўғир-

чоқ театри биносининг очилиши уларга чинакам байрам тўғриси бўлди.

Замонавий меъморчилик услубида қад кўтарган театр хибонга ўзгача кўрк бағишлаб турибди. Болалар бу даргоҳда нафақат кўғирчоқлар ёрдамида сахналаштирилган санъат асарларини томо-

Кўғирчоқ театрининг янги биноси

болажонларга Навро'з тўғриси бўлди

ша қиладилар, балки таниқли актёрлар билан учрашувлар, кўргазмалар ва кўплаб маънавий тадбирларда ҳам иштирок этадилар.

Фарғона давлат кўғирчоқ театри 1993 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Лекин алоҳида биноси йўқлиги сабабли, вилоят театри ва ўқув юртлири, боғчаларнинг мослаштирилган сахналарида намойиш этилар эди.

— Фарғона вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан қад ростлаган кўғирчоқ театри биноси барча талабларга жавоб беради, — дейди театр директори Тавваккал Султонов. — 45 кишилик жамоамиз бундай шароитдан руҳланиб, сара асарларни сахналаштирмоқда.

Фарғона давлат кўғирчоқ театри «Гумбаз остидаги афсун», «Оққушлар нидоси», «Бад-

жаҳл қуёнча», «Фаройиб пойга» каби ўнлаб томошалари билан шуқрат қозонган.

Театр жамоаси Республика кўғирчоқ театрларининг аънавий фестивалларида совриндорлар қаторидан жой олган. Театрнинг Ёқутой Қодирова, Феруза Иброҳимова, Шоҳруххўжа Аҳмедов каби ижодкорлари болаларнинг севимли актёрлари ҳисобланади.

— Кўғирчоқ театри янги биносиде кўғирчоқ ясашчеҳи учун ҳам барча имкониятлар бор, — дейди актёр Дилдора Турдиева. — Биз энди ўзимиз ижро этадиган қаҳрамонларнинг шакл-шамойилини яратишда ҳам иштирок эта оламиз.

Муҳаммадjon ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.



Футбол

Қуръа ташланди

2014 йил сентябрь ойида Таиландда футбол бўйича ўсмирлар (U-16) ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати финал босқичи бўлиб ўтади.

Кучи кеча мазкур нуфузли мусобақа гуруҳ учрашувларига қуръа ташланди. Унга кўра, Темура Олимхўжаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси «С» гуруҳидан жой олди. Ҳаётлари миз кейинги босқич йўлланмаси учун Непал, ҚХДР ҳамда Қувайт футболчилари билан куч синашади.

Гуруҳдаги дастлабки учрашув 7 сентябрь кунини ўтказилади. Унда ўсмирларимиз не-паллик тенгдошлари билан баҳс юритишади. Терма жамоамиз эртаси кунини ҚХДР вакилларига қарши майдонга тушса, 10 сентябрда қувайтликлар билан куч синашади.

Мусобақанинг қолган учта гуруҳидан эса қуйидаги жамоалар ўрин олган:

«А» гуруҳи. Таиланд, Жанубий Корея, Уммон, Малайзия.

«В» гуруҳи. Япония, Австралия, Хитой, Гонконг.

«Д» гуруҳи. Эрон, Сурия, Саудия Арабистони, Қатар.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мазкур китъа чемпионатининг амалдаги чемпиони саналади. Бундан икки йил муқаддам Эронда ўтказилган мусобақада Дилшод Нуралиев бош мураббийлигида ёш футболчиларимиз бош совринни қўлга киритиб, БААда ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида йўлланма олган эдилар.

Эркин ХОЛБОБОВ



ТИШЛАРНИ СИФАТЛИ ДАВОЛАШ ВА УЛАРНИ ЎЗ ҲОЛИГА ҚАЙТАРИШ

ТИШЛАРНИ МОҲИРОНА ТОЗАЛАШ

NEW!

тел.: 314-44-88

www.stomaservice.uz



Ҳудудий бўлимлари йўқ

Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK



РЕКЛАМА

Молиявий мадад аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда

Очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк» томонидан ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мижозларга турли банк хизматлари кўрсатиш, уларга янгидан-янги омонат турларини таклиф этиш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Банкнинг молиявий мадади туфайли уларнинг айланма маблағлари миқдори ортиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида улкан ютуқларга эришиляпти.

Банк томонидан жорий йилнинг март ойида кичик бизнесни ривожлантириш юзасидан 10 дан зиёд номинациялар бўйича танловлар ўтказилди. «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Аёл тадбиркорлар учун энг яхши лойиҳа», «Энг кўп аёл ишчиларни жалб қилган лойиҳа», «Касб-хўнарс коллежи битирувчилари учун энг яхши лойиҳа», «Энг ёш тадбиркор», «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа — 1», «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа — 2», «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг яхши лойиҳа», «Хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг яхши лойиҳа» каби қатор танловларда ғолиб чиққанлар турли имтиёзли кредитларга эга бўлилар.


Хусусан, банкнинг Миробод филиали томонидан ҳар бир йўналиш бўйича зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиляпти. Биргина мисол. Ўтган 2013 йилда банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга 29 770,2 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Кредит портфели таркибида

лизинг амалиётлари орқали ажратилган маблағлар қолдиги 203,2 миллион сўмни, шунингдек, чет эл валютасида ажратилган кредит қолдиги 352,3 миллион сўмни ёки бўлмаса, 160,0 минг АҚШ долларини ташкил этди. Худди шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўтган йили 29159,6 миллион сўм миқдорда кредитлар билан таъминланган. Натижада 280 янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонунини ҳаётга татбиқ этиш натижасида жисмоний шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида жами ажратилган кредитлар қолдиги 732,7 миллион сўм бўлиб, истеъмол товарлари сотиб олиш борасида бу кўрсаткич 380,5 миллион сўмни ташкил этди. Ипотека кредитлари миқдори эса 333,6 миллион сўмни, таълимга ажратилган ана шундай кредитлар ҳажми эса 18,6 миллион сўмдан ошди. Шунингдек, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish мақсадида 1385,0 миллион сўм миқдорда кредит маблағла-

ри ажратилди. Ўз навбатида, ишлаб чиқариш корхоналарига технологик ускуна, хомашё ва материаллар сотиб олиш учун жами 3810,0 миллион сўм миқдорда кредитлар йўналтирилди. Банкнинг барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун йил давомида 309 миллион сўм, касб-хўнарс коллежлари битирувчиларига ўз тадбиркорлик фаолиятлари учун амалга оширилганлар учун 25,5 миллион сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга эса 110 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Пойтахтимизнинг Миробод тумани ҳудудда жойлашган «ARADA GROUP» хусусий корхонаси 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, ушбу корхона айни дамда уй-жойлар ва биналарни ижарага бериш, турли йўналишлар бўйича авиа-чипталар сотиш ва туристик фаолият билан шуғулланиб келяпти. Корхона раҳбари Димитрий Онучин очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк»-



нинг Миробод филиалидан 800 миллион сўм кредит олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини ривожлантирган. Бундан ташқари, хусусий корхона банкдан олинган 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига турли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам бошлади.

— Бугунги кунда биз йил мобайнида 400 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди Димитрий Онучин. — Ушбу кредитлар ҳисобидан эса 23 янги иш ўрни яратилди.

Очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Миробод филиали жамоаси ҳар бир мижозга намунали хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, шу йўл билан аҳоли фаровонлигини таъминлашга интилоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihiddin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 460 19546 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 22.25 Topshirilgan vaqti — 00.45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5